



## Lexico-semantic formation of linguistic terms in English, Uzbek, and Karakalpak languages

Sakhbijamal KOSHANOVA<sup>1</sup>

Berdakh Karakalpak State University

### ARTICLE INFO

#### Article history:

Received September 2025

Received in revised form 5  
September 2025

Accepted 10 October 2025

Available online 25 October  
2025

#### Keywords:

lexical-semantic method,  
term formation,  
semantic derivation,  
metaphor,  
terminologization,  
re-terminologization,  
primary nomination,  
secondary nomination,  
English terminology,  
Uzbek terminology,  
cognitive process,  
specialized meaning,  
linguistic term,  
morphological method,  
metaphorical shift.

### ABSTRACT

This article offers a scientific and theoretical analysis of the formation of linguistic terms in English, Uzbek, and Karakalpak using the lexical-semantic method. The study examines the semantic structure of terms, semantic shifts, and the specific features of term development from the perspective of contemporary linguistics, supported by concrete examples. Special attention is given to identifying each language's distinctive characteristics through comparative analysis.

2181-3701/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol3-iss9/S-pp161-166>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида лингвистик терминларнинг лексик-семантик усулда ясалиши

### АННОТАЦИЯ

#### Калит сўзлар:

лексик-семантик усул,  
термин ясалиши,  
семантик деривация,  
метафора,  
терминологизация,  
ретерминологизация,

Ушбу мақолада инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги лингвистик терминларнинг лексик-семантик усул орқали ҳосил бўлиши илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. Тадқиқотда терминларнинг семантик тузилиши, маъно кўчиши, ҳамда замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан уларнинг шаклланиш хусусиятлари аниқ мисоллар

<sup>1</sup> Doctoral Student, Berdakh Karakalpak State University.

бирламчи номинация,  
иккиламчи номинация,  
инглиз тили  
терминологияси,  
ўзбек тили  
терминологияси,  
когнитив жараён,  
махсус маъно,  
лингвистик термин,  
морфологик усул,  
метафорик кўчиш.

ёрдамида ёритилади. Мақолада қиёсий таҳлил усули орқали ҳар бир тилнинг ўзига хос белгиларини аниқлашга эътибор қаратилган.

## Лексико-семантический способ образования лингвистических терминов в английском, узбекском и каракалпакском языках

### АННОТАЦИЯ

#### Ключевые слова:

лексико-семантический метод, образование терминов, семантическая деривация, метафора, терминологизация, ретерминологизация, первичная номинация, вторичная номинация, терминология английского языка, терминология узбекского языка, когнитивный процесс, специальное значение, лингвистический термин, морфологический метод, метафорический перенос.

В данной статье проводится научно-теоретический анализ образования лингвистических терминов в английском, узбекском и каракалпакском языках посредством лексико-семантического метода. В исследовании рассматриваются семантическая структура терминов, перенос значений, а также особенности их формирования с позиции современной лингвистики, что иллюстрируется конкретными примерами. В статье особое внимание уделено выявлению специфических характеристик каждого языка на основе сравнительного анализа.

Бугунги кунга қадар лексик – семантик усулда (баъзи манбаларда семантик усул деб ҳам юритилади) сўзлар ёхуд терминларни ҳосил қилиш хусусида бир қатор тилшунос олимлар ўзларининг илмий-назарий фикрларини ва қарашларини илгари сурганлар. Жумладан, рус тилшуноси Ю.С. Степановнинг фикрига кўра: “Сўзнинг ёхуд муайян соҳага оид терминнинг семантик ривожланиши тилнинг воқеликни метафора ёрдамида ўзлаштириш ва илмий тушунчалар орқали билиш, тушунча иштирокидан иборат икки функция эҳтиёжига бўйсундирилган. Лисоний манбаларга асосан, мазкур ҳолатда икки йўналиш мавжуд бўлиб, биринчидан, лексема денотатларининг алмашуви рўй беради, бу жараён асосида метафора ётади. Иккинчидан эса, лексик бирликлар маънолари системаси билан узвий алоқаси туфайли сигнификатларнинг мазмуни мунтазам тарзда чуқурлашиб боради” [6; 323].

Ўзбек тилшуносларидан Д. Саидқодирова ўзининг докторлик ишида терминларнинг семантик усулда ҳосил бўлишига тўхталиб ўтган ва мазкур масала хусусида у ўз фикрини қўйидаги тарзда илгари суради: “Термин ҳосил қилишда семантик (лексик-семантик) усулдан ҳам фойдаланилади, бу усулда термин ҳосил

қилишда метафоранинг ўрни беқиёс эканлиги билан изоҳланади. Лексик бирликларнинг муайян хусусиятларини акс эттиришда унинг бошқа предмет, тушунча, концепт билан шакл, ранг-тусда ўхшашлиги асос қилиб олинади. Ушбу ўхшашлик структур жиҳатдан янги лексик бирлик ҳосил қилмай, шу лексик бирлик билан бошқа тушунчани ҳам ифодалаш имконини беради” [5;209]. Махсус соҳалар, хусусан солиқ ва божхона терминологиясининг лингвистик тадқиқи ва таржима қилиш муаммолари устида тадқиқот олиб борган тилшунос олим О.С. Ахмедовнинг таъкидлашича: “Чоғиштирилаётган ўзбек ва инглиз тилларида зарурат туғилиши сабабли махсус соҳаларга оид терминологияда лексемаларнинг семантик ўзгариши, уларнинг маъно кўчиши, полисемантик сўзларнинг баъзи маънолари орасидаги боғланиш узилиб, айримларининг хосланиши ва махсулашуви орқали янги терминнинг ҳосил бўлиши, яъни муайян лексемалар семантикасининг кенгайиши кузатилади. Ушбу сўз ясашиш жараёни семантик усул, айрим манбаларда “семантик-синтактик усул” деб ҳам қайд этилган” [1; 108].

Юқорида тилшунос олимларнинг фикр ва қарашларидан англаш мумкинки, лексик-семантик усул орқали термин яратиш жараёнида лексик жиҳатдан янги термин вужудга келмайди, аммо тилда олдиндан қўлланиб келинаётган баъзи лексик бирликни янги ва махсус маънода ишлатиш билан чекланади. Янада ушбу масалага аниқлик киритадиган бўлсак, умумхалқ тилидаги сўзларнинг дастлабки ва кўчма маънолари асосида уларга аниқ ва конкрет бир маъноли илмий тушунча номинатив ҳамда функционал жиҳатдан юкланади. Бу жараён тилшуносликда “терминологизация” деб аталади. Терминологизация, ретерминологизация (терминнинг бир соҳадан бошқасига ўтиши) каби семантик негиздаги лисоний ҳодисалар лексик-семантик усулнинг турлари сифатида таърифланади. Бу масала хусусида А.В. Суперанская тўғри таъкидлаганидек, “Лексик-семантик усулда илмий ва муайян соҳаларга оид терминларни яратиш жараёни анча самарали усуллардан бири бўлиб, у умумхалқ лексикасининг терминлашуви орқали соҳавий лексик бирликларни бойитишга ҳамда такомиллашувига хизмат қилади. Шу билан бирга, лексик-семантик усул орқали ясалган терминлар баъзан полисемия (кўпмаънолилик) ва омонимияга олиб келиши ҳам мумкин. Ваҳоланки, бу жараён аслида соф терминлар учун мақбул бўлмаган ҳолатдир” [7; 171].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инглиз тили лингвистик терминологияси асосан лотин ва юнон манбаларига бориб тақалади. Шу маънода, кўпгина терминлар айнан морфологик усул (интралингвистик омил) ёки ташқи (экстралингвистик омил) манбалардан сўз олиш орқали кирган. Демак, инглиз тилида ички лексик-семантик усул, яъни мавжуд сўзларга номинатив ва функционал жиҳатдан янги, махсус маъно юклаш орқали янги термин яратиш муайян даражада чекланганлиги билан изоҳланади. Шундай бўлса-да, инглиз тилида бир қатор лингвистик тушунчалар учун айнан оддий сўзларнинг метафорик ёки ихтисослашган маънода қўлланилиши кузатилади. Масалан: инглиз тилидаги “**subject**” лексик бирлиги умумий тилда “**мавзу**” ёки “**субъект**” маъносини ифодалайди. Тилшуносликнинг грамматика аспектида эса жумладаги амал бажарувчи **шахс/нарс**а (эга) тушунчасини билдиради. Инглизча “*subject*” сўзи лотинча “*subjectum*” (“остиға қўйилган”)дан келиб чиққан бўлса-да, оддий нутқда ҳам “*фан, таълим мавзуси*” каби маънолари мавжуд ва грамматик термин сифатида “**эга**” тарзида хосланган.

Шунингдек, инглиз тилидаги **“object”** лексемасини кўриб чиқадиган бўлсак, у оддий маънода **“предмет”** ёки **“объект”** сингари маънолари билан барчамизга маълум. Бироқ, тилшуносликдаги синтактик тушунча сифатида эса феъл таъсири доирасида шаклланган тўлдирувчига нисбатан қўлланилади. Ушбу ўринда **“object”** сўзининг умумий **“нарсa”** мазмунидан махсус грамматик вазифага ўтиши терминологизация намунаси сифатида қаралади ва семантик усул натижасида ҳосил бўлган лингвистик термин сифатида изоҳланади. Бундан ташқари, инглиз тилида умумистеъмолда қўлланиладиган **“case”** сўзи **“ҳолат, вазият”** деган умумий маънода келади. Бироқ, ушбу лексик бирлик тилшуносликнинг грамматика аспектида эса исмларнинг синтактик роль ва шаклини кўрсатувчи категорияни (келишикни) англатиб келади. Масалан, **“case”** сўзи грамматикада *nominative case*, *genitive case* ва ҳақозо тарзда қўлланиб, махсус лингвистик терминга айланган ва лексик-семантик усулда янги маънони ифода этмоқда. Аслида, ушбу лексик бирлик латинча **“casus”** (**“қулатилган, тушган”**) сўзидан олинган бўлиб, инглиз тилида ҳам оддий **“кейс”** шаклида мавжуд. Тилшуносликда грамматик маънода эса айтиш сўзи ишлатиш лексик-семантик усулга киради.

Инглизча **“voice”** лексемаси умуми адабий тилда **“овоз”** маъносида қўлланилса, тилшуносликда синтактик тавсифий шаклда эса феълнинг **“нисбат”** тушунчасини (*active voice*, *passive voice* каби) ифода этиб келади. Ушбу ҳолатда **“voice”** сўзи метафорик кўчиш орқали **“феъл ҳолати”** маъносида лексик-семантик усулда лингвистик терминга айланган дейиш ўринлидир. Инглизча яна бир мисол, яъни **“mood”** сўзининг умуми адабий тилдаги асосий маъноси **“кайфият, ҳолат”** тушунчасини англатади. Тилшуносликда эса феълнинг модал категориясини (*indicative mood*, *subjunctive mood* ва ҳ.к.) англатиш учун **“mood”** термини қўлланилади. Аслида, ушбу терминнинг илдизи латинча (*modus* – **“усул, тарз”**)дан олинган бўлса-да, инглиз тилида мавжуд **“mood”** сўзига ўзаро мувофиқлашган ва умумий **“руҳий ҳолат”** тушунчасига яқин бўлган сўз лингвистик термин сифатида **“майл”** тарзида қўлланилаётгани кузатилади. Бундан ташқари, тадқиқот жараёнида шунга ишонч ҳосил қилдикки, тилшуносликдаги қатор тушунчалар учун инглиз тилида янада образли семантик метафоралар ҳам мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ўзбек тили лингвистик терминологиясида арабча-форсча ёки русча ва бошқа байналмилал терминлар билан бир қаторда, миллий сўз ва бирикмалар орқали ясалган терминлар кенг учрайди. Айнан, шу ўзбек тилидаги терминларнинг муайян қисми лексик-семантик усул маҳсулидир. Хусусан, қуйидаги терминлар ўзбек тилида умумий сўзларнинг янги илмий-маъно касб этиши орқали пайдо бўлган:

Ўзбек умуми адабий тилда мавжуд бўлган **“эга”** лексемасининг луғавий маъноси **“эга, соҳиб”** демакдир. Мазкур лексик бирлик тилшуносликда эса жумла бош қисми бўлган **“эга”** (асосан от сўз туркими) тушунчасига нисбатан қўлланилади. Яъни, **“эга”** сўзи **“эгалик қилувчи (ши)”** маъносидан келиб чиқиб, жумладаги асосий субъектга нисбатан термин сифатида қўлланилмоқда. Шунингдек, **“кесим”** лексемасининг асосий маъноси **“кесилган бўлак, парча”** (кес-феълидан олинган) ўзбек тилининг синтаксисига жумланинг бош бўлаги – **“кесим”** (предикат) лингвистик термини сифатида қўлланади. Ушбу термин ҳам миллий ифодалардан бири бўлиб, жумланинг **“бош”** қисми (эга)га нисбатан **“кесиби чиқарилган, айтиладиган бўлак”** маъносини англатади. Хусусан, **“жумла эга ва кесимдан иборат бўлади”** деган таърифда **кесим** сўзи **“предикат”** мазмунини тўла

ўзбекча ифода этган. Бундан ташқари, лингвистик терминлардан “**қўшимча**” сўзи умумий маънода “*қўшимча, илова*” сингари маъноларни акс эттирса, морфологияда сўз таркибидаги “аффикслар”нинг умумий номини билдириш учун “**қўшимча**” термини амалда ўрин олган. Жумладан, “феълда шахс-қўшимча бор” деган жумлада “**қўшимча**” сўзи грамматик аффикс маъносини англатиб келмоқда. Шундай экан, бундай терминологизация ҳодисаси натижасида ўзбек тилида “**аффикс**” лексемаси учун мукамал туркий муқобил термин яратилган. Шунингдек, яна бир лингвистик терминлардан ҳисобланган “**қўмакчи**” сўзи “**ёрдамчи**” сўзига синоним, яъни маънодош ҳисобланади. Унинг бирламчи номинацияси, асосий луғавий маъносида ҳам “*ёрдамчи киши ёки нарса*” назарда тутилади. Морфология ва синтаксис доирасида “**қўмакчи**” термини турли ёрдамчи сўз туркумларига нисбатан қўлланилади. Жумладан, баъзи манбаларда “**қўмакчи**” сўзи орқали ўзбек тилидаги постпозициялар (ҳарфий таржимада “послелог”) тарзида номланиб, уларнинг гапдаги ёрдамчи вазифасига алоҳида урғу берилади.

Қорақалпоқ тилида лингвистик терминларнинг лексик-семантик усул орқали термин ясалиши хусусида сўз юритадиган бўлсак, бизга маълумки, қорақалпоқ тили ҳам туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, ўзбек тилига яқин қариндош тилдир. Қорақалпоқ лингвистик терминологияси шаклланишида туркий манбалар, шунингдек, собиқ шўролар даврида доминант тил сифатида қаралган рус тили таъсири сезилади. Аммо, кейинги йилларда Қорақалпоғистонда ҳам миллий терминологияга эътибор анча орта бошлади. Диахрония нуқтаи назардан қаралса, баъзи олимлар қорақалпоқ тилида сўз ясалиш усуллари бўйича турлича фикр ва мулоҳазалар билдиришган. Хусусан, Н.А. Баскаков XX аср ўрталарида қорақалпоқ тилида сўз ясалишнинг уч асосий усулини ажратиб кўрсатган. Булар: **лексик, морфологик ва синтактик** усуллардир [2;126]. Кейинчалик, маҳаллий олимлардан А. Бекбергенов эса мазкур тилда фақат икки усул (морфологик ва синтактик) мавжуд ва улар сермахсул усуллар, – деган фикрни илгари сурган [3; 68-73]. Англаш мумкинки, XX аср охирларига келиб қорақалпоқ тилида сўз ясалиш усуллари алоҳида ўрганишга эътибор кучайган. А. Бекбергенов каби тадқиқотчилар янги натижаларни эълон қилишга ҳаракат қилди. Хусусан, у ўз илмий мақоласида қорақалпоқ тилида сўз ясалишнинг бир неча йўллари мавжуд эканлигини тасдиқлади. Шу ўринда, у “лексик-семантик” усулни алоҳида қайд этиб, замонавий қорақалпоқ тилида мазкур усул муҳим аҳамиятга эга эканлигини урғулайди ҳамда лексик-семантик усулни ўзига хос хусусиятларини алоҳида қайд этиб, уни анча фаол экани таъкидлайди [3; 68-73]. Демак, қорақалпоқ тилида ҳам мавжуд сўзларни семантик кўчиш орқали янги термин яратиш имконияти илмий жиҳатдан эътироф этилган. Аксарият манбаларда қорақалпоқ тилининг ўз мазмуни ва сўз бойлиги жиҳатдан қозоқ тилига анча яқин эканлиги қайд этилади. Шу боис мазкур тилда лингвистик терминларнинг кўпгина қисмини ёки қозоқчадан, ёки ўзбекчадан қабул қилган бўлиши мумкин. Масалан, қозоқ тилида “**бастауыш**” (“бошловчи”) термини жумла эгасини ифодалаб келса, қорақалпоқ тилида ҳам шу маънони акс эттириш мақсадида “*баставыс ёки бастауыш*” лексемаси қўлланилади. Хусусан, 1979 йилда Д. Насиров, А. Бекбергенов ва А. Жаримбетовлар томонидан нашр этилган “Русча-қорақалпоқча тилшунослик терминлари луғати” да рус тилидаги лингвистик терминларга қорақалпоқча муқобиллар берилгани миллий терминологияни ривожлантиришга хизмат қилган деб айтишимиз мумкин. [4; 259]

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қорақалпоқ тилида ҳам лексик-семантик усул лингвистик терминни яратишда ўзига хос аҳамиятга ва мавқега эга. Бинобарин, бугунги кунга келиб, қорақалпоқ тили учун термин яратишда асосий мезонлар ва тамойиллар ўзбек тилидагига ўхшаш. Бунинг асосий сабаби сифатида улар битта тиллар оиласига мансублиги билан изоҳланади. Шу маънода таъкидлаш лозимки, лингвистик терминларни имкони борида халқ тилига яқин, содда сўзлардан фойдаланиш, унификацияга, бир маънолилиikka эришиш ва терминларни стандартлаштириш зарурати мавжуд. Чоғиштирилаётган ноқардош (инглиз тили) ва қардош (ўзбек ва қорақалпоқ) тилларда лексик-семантик усул орқали термин яратиш муҳим ва концептуал аҳамиятга эга бўлиб, ўзаро қардош ҳисобланган туркий тилларда соҳавий лексиканинг ички ресурслари ҳамда лисоний салоҳиятини ишга солишга имкон беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ахмедов О.С. *Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари* : Филол. фанлар. док-ри. дисс. (DSc). – Тошкент, 2016. – 108 с.
2. Баскаков Н.А. *Karakalpak language II. Phonetics and morphology*. – Moscow, 1952. – 126 p.
3. Бекбергенов А. *Қорақалпақ тилида сўз ясашиш усуллари* // ФА Ахборотномаси. – Нукус, 1978. – №1. – С. 68–73.
4. Насиров Д., Бекбергенов А., Жаримбетов А. *Русско-каракалпакский словарь лингвистических терминов*. – Нукус: Каракалпакистан изд., 1979. – 259 с.
5. Саидқодирова Д.С. *Терминологияда номинация ҳодисаси (компьютер ва интернет терминлари мисолида)*: Филол. фанлар. док-ри. дисс. (DSc). – Тошкент, 2023. – 209 с.
6. Степанов Ю.С. *Основы общего языкознания*. – 2-е изд. – Москва, 1976. – 323 с.
7. Суперанская А.В. *Общая терминология. Вопросы теории*. – Москва, 1986. – 171 с.